

Саудиялик аёл 75 ёшида ҳофизи Қуръон бўлди



10:20 / 28.01.2019 3305

Саудия Арабистонида истиқомат қиладиган Муниса бинти Зарифа исмли аёлнинг орзуси ниҳоят Аллоҳнинг иродаси билан ушалди. У ўқиш ва ёзишни ҳам билмасди, деб ёзади IQNA. Бироқ ундаги Аллоҳ каломига бўлган муҳаббат ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтишга ёрдам берди. Муниса ҳофиз бундан тўққиз йил олдин устозларининг назорати билан Қуръони каримни фақат эшитиб ёд олишни бошлаган эди. Кичкина суралардан бошланган бу уринишлар унда Қуръонни тўлиқ ёд олиш иштиёқини пайдо қилди. Тинимсиз машғулотлар ва уринишлар натижасида ёши 75 га кирганида Аллоҳнинг инояти билан Қуръони каримнинг ҳаммасини ёд олишга муваффақ бўлди.